
ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЧОЧ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Мухамедов Я.К.

*т.ф.ф.д. (PhD), катта ўқитувчи,
Ўзбекистон Миллий университети*

Чоч хукмдорлигининг VI – VIII юз йилликлардаги сиёсий ҳаёти тадқиқ этишда тўғридан-тўғри Турк хоқонлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда кечгани. Жумладан, “Суй-шу”да VI юз йиллик ўрталаригача воҳанинг Эфталитлар давлати ичида бўлганлиги, Турк хоқонлиги қўшинлари эса ўзларининг ғарбга томон юришлари давомида 560-йилларда биринчилардан бўлиб Чочни қўлга киритганлиги ёзилган[1, Б 229-281]. Бу эса 550 - йилларнинг дастлабки йилларда ўз давлати марказини Олтой тоғлари атрофида белгилаган Ашина туркларининг Тяньшан тоғларининг марказий қисмларидан ғарбга силжиб, олдин Еттисувни, кейин эса унга қўшни Чоч орқали Амударё – Сирдарё оралиғига етиб келганлар, деб ҳисоблашга имкон беради. Демак, Турк хоқонлиги қўшинлари Тяньшан тоғларининг шимолий этаклари бўйлаб ғарбга ва жануби-ғарбга силжиш мобайнида Чу – Талас дарёларининг юқори оқимларидан ўтиб, Мингбулоқ (Мерке) – ҳозирги Қоратоғ (қад. Қорачуқ) ва Қирғиз Олатови оралиғидан ўтиб, Исфижоб (Сайрам) орқали Чочга, сўнгра эса Суғдга етиб келишган.

Қанғ салтанати ва унинг марказий хукмдорлиги бўлмиш Чочда милодий бир мингйилликнинг ўрталарида шакллана бошлаган ўнлаб шаҳар ва йирик қишлоқлар миқдори Турк хоқонлиги даврида янада кўпайган. Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистонда VI-VIII юз йилликларда шаҳар маданияти ўзининг энг юқори чўққисига чиққан[2, Б.128-134]. Хусусан, Ибн Хавқал Чочда жами 52 та шаҳарни қайд этган бўлса, яна бир қатор араб ва форс географлари воҳада бир неча ўнлаб шаҳарлар бўлганлигига урғу беришган. Тошкент воҳасидаги 32 та шаҳар харобасидан 1 таси – Қанқа йирик (150 га), 5 таси – ўрта (25 дан 75 гача га) ва 26 таси эса кичик (25 гача га) шаҳарлар бўлиб, мутахассислар бу даврда Чочдаги урбанизация кичик шаҳарлар эвазига тараққий этиб борганлигини олға сурадилар[3,Б.140,168]. Жанубий Қозоғистонда эса VI-IX аср биринчи ярмига тегишли қатламга эга шаҳар харобалари манбаларда берилган шаҳарлар сонига қараганда анча кўп. Тўғрироғи, археологлар томонидан бу даврга оид 30 та шаҳар аниқланган бўлиб, улардан фақат 6 тасининг номигина ёзма манбаларда учрайди [4,Б 66]. Ҳар иккала ҳудудда ҳам шаҳарлар сони ўсиши Турк хоқонлиги ва суғдийлар фаолияти натижасида

бўлиб, улардан бир қисмининг туркий-суғдий асосли ёки аралаш эканлигида ҳам ўз ифодасига эга [5,Б. 80].

Тошкент воҳасидаги мавжуд бўлган бир қанча ёдгорликларда хусусан, Қанқа, Мингўрик, Хонобод ва Кўлота кабилар археологик жиҳатдан бирмунча яхши тадқиқ этилган. Хусусан, уларни ўрганиш натижасида ўзига хос тарзида бир биридан фарқ қилувчи урбанизациялашув ҳолатлари юзага келган, бироқ ушбу ёдгорликларда яшовчи аҳоли қатлами ўз ҳудудини ўзгартирмаганлигини кузатиш мумкин[6,Б.124]. VI-VIII юз йилликлардаги жой номларининг муайян қисмини ташкил қилувчи суғдий топонимлар бутун воҳа бўйлаб учрайди; бу ўз навбатида суғдийларнинг Чоч ерларида анчадан бери муқим яшаганлигини кўрсатади. Хусусан, Чочда суғдий *-кат* топоформанти билан тугалланувчи топонимлар кенг тарқалган[7,Б.105]. Қизиғи шундаки, ушбу топоформант олдида кўп ҳолларда қадимги туркий сўзлар ўрин олган бўлиб (*мас.* Тункат, Барскат, Хотункат, Жабғукат, Ардлонкат), бу эса Тошкент воҳаси ўз даврида турк-суғд симбиози фаол кечган ҳудуд бўлганидан дарак беради [24].

Чочда унвонлар билан боғлиқ шаҳарлар ҳам анчагина. Изланишларга кўра, воҳада ҳам туркий, ҳам суғдий асосли унвонлардан ясалган шаҳар номлари бошқа ҳудудларга қараганда кўпроқ[8,Б.206]. Бунинг сабабини суғдшунослар Еттисув ва Чоч ҳудудида шаҳар ва манзилгоҳларга суғд савдогарлари томонидан анланган ҳолда атайлаб асос солинганлиги билан тушунтирадилар[9,Б.208]. Бизнингча эса, бу ҳудудлардаги шаҳар ва манзилгоҳларга биргина суғдийлар эмас, балки туркийлар ҳам асос солишган. Буни у ердаги топонимларнинг катта бир қисми туркий ёки туркий ва суғдий асосдан келиб чиққанлиги ҳам кўрсатади[10,Б.16]. Бу даврда Тошкент воҳасида туркий *-лиқ/-лиғ* топоформанти билан туговчи *Соблиқ (Сойлиқ), Абрлиғ, Намудлиғ (Йағузлиғ), Некалиқ (Йақалиқ), Олмалиқ, Отлиқ (Итлиқ), Ажиг (Ачиғ)* каби топонимлар кенг тарқалганлиги кузатилади. Хусусан, Абрлиғ (80 га), Кабарна (75 га), Намудлиғ (70 га), Чинанчкат (50 га) каби шаҳарлар майдонининг катталиги уларда кўп сонли аҳоли яшаганлигини кўрсатади. Абрлиғ ва Намудлиғ йирик хунармадчилик ва металлургия марказлари ўлароқ ном чиқарган шаҳарлар эди [11,Б.64].

Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий бошқарув маркази – Суяб (ҳоз. Тўқмоқ шаҳри атрофи)дан Чочгача чўзилган карвон йўллари хоқонлик қўшинларининг Амударё – Сирдарё оралиғи ва Хуросон ҳамда Шимолий Ҳиндистонга ўтиш йўлаги вазифасини бажарганлиги эҳтимоли юқори. М. Элеовнинг таъкидлашича, араб ва форс географлари қайдларида Чочдан шимолга – Исфижобга олиб боровчи асосий карвон йўли “Турк йўли” ёки “Шош йўли” деб аталган йўл борлиги қайд этиб ўтилади[12,Б.11-15]. Ғ. Бобоёров эса ушбу араб ва форс географлари томонидан ёзилган манбаларга таяниб ёзишича [13,Б.101-102]. Бинкат (Тошкентдаги Эски

шаҳар ўрни)нинг шимолроғидан, дашт билан чегара ҳудудда жойлашган бўлиб, деҳқончилик воҳаларини чорвадор ҳудудлардан ажратиб турувчи девор ўтганлигини, у шарқда Сойлиқ (Соблиқ) тоғидан ўтиб, ғарбда Сирдарёгача туташган, улар орасида отлик қўшинлар учун кенг яйловлар бор эди [14,Б.72]. Ал-Истахрий (X аср) уни Чочдан Илоққа олиб боровчи йўлдан шарқда, яъни Турк (Чирчиқ) дарёси водийсида деворнинг ичкарасидаги шаҳарлар қаторида тилга олган ва Бинкатдан Турк дарёсининг қирғоғидаги Жабғукатгача бўлган масофани 2 фарсах (чамаси 16 км) деб кўрсатган [15,Б.330]. Яна бир муҳим манба “Ҳудуд ул-олам” асарида (X юз йиллик)нинг номаълум муаллифи ҳам Бинкатдан 2 фарсах узоқликда жойлашган Жабғукатни *“чиройли бир шаҳар бўлиб, у қадимда Чочнинг ҳарбий лагери – лашкаргоҳи вазифасини бажарганлиги эътироф этиб ўтилади”* деб қайд этган [16,Б.117-357]. Қудама ибн Жаъфар ва ал-Муқаддасийлар (X аср) ҳам уни *“ички мудофаа деворига эга ҳарбий лашкаргоҳ”* тариқасида таърифлаганлар [17,Б.507-522]. Турк хоқонлиги даврида бундай қароргоҳ шаҳарлар – ҳарбий гарнизонлар вазифасини ўтаган бўлиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг илк пойтахт шаҳарларидан бири – Бешбалиқ (Турфон атрофи Шарқий Туркистон)да хоқонлар ҳам ўз вассалларини назоратда тутиш учун махсус қўшин сақлаганлар [18,Б.93].

Жабғукат ёки “Жабғу шаҳри” маъносини англатган шаҳар харобасининг излари Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқидаги Дўрмон қишлоғи яқинидаги *Оқ-ота* шаҳар харобаси ўрнида бўлган [19,Б.75]. Унинг умумий майдони 18 га ташкил этган, аммо ушбу манзилгоҳда, археологлар томонидан кенг қазилар ишларини ўтказишмаган. Стратиграфик текширувлар у ердан VII-VIII, X -XII ва XV асрларга оид материалларни берган [20,Б.81]. Ёдгорликнинг илк ўрта асрларга оид кўхандиз (арк)и аниқ ажралиб туради. Археологик текширувлар натижасида унинг пастки қисмида пахсали бинолар уюми ҳамда камроқ миқдорда сирланмаган сопол буюмлар топилган. Шунинг учун айрим археологлар Оқ-отани шаҳар эмас, балки манзилгоҳ сифатида баҳолаган бўлишларига қарамай, Ю.Ф.Буряков унинг шаҳарча бўлганлигига шубҳа йўқ, деб топган [21,Б.75].

Айрим тадқиқотчиларга кўра, Жабғукат биринчи ҳарбий мақсадлар (қўшин сақлаш, қўшиннинг ҳарбий тайёргарлиги ва б.) учун мўлжаллаб қурилган. Чунки археологик қазилмалар натижаси унга VI асрнинг иккинчи ярмидан кейин асос солинганини тасдиқлайди. Қолаверса, худди шу даврда Истами ва унинг авлодлари “жабғу” унвони билан юритилганлиги кўзда тутилса [22,Б.158-159], шаҳар шунчаки “Жабғу шаҳри” маъносини англатмаган бўлиб чиқади., Жабғукат хоқонлик Ғарбий қанотининг шаклланишининг илк давлари – *Ябғулик* даври (VI юз йилликнинг 60- йиллари [23,Б.24] ва охиригача)да вужудга келган. Кейинроқ Шегуй, Тун ябғу каби хоқонлар Жабғукатдан қишлоқ қароргоҳ сифатида фойдаланиб келинган.

Адабиётлар:

1. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. том.1. М. – Л., 1950. – С. 229, 281.
2. Байпаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья. А-А., 1986. – С. 41; Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф., Квирквелия О.Р., Радиловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. Ташкент., 1988. – С. 128, 134.
3. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент., 1982. – С. 140, 168.
4. Байпаков К.М. Средневековая городская культура ... – С. 66.
5. Бобоёров Ғ. Чоқ тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Тошкент., 2010. – Б. 80.
6. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры... – С. 124.
7. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Дис. канд. филол. наук. СПб., 2004. – С. 105.
8. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ ... – С. 206.
9. Ўша асар..... – С. 208.
10. Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // O‘zbekiston tarixi, № 3. – Ташкент, 2002. – С. 16;
11. Бобоёров Ғ.Б. Илк ўрта асрларда Чоқ воҳасида туркий топонимлар ... – С. 113-114.
12. Елеуов М. Қаратаудың ортағасырлық керуен жолдары // Мат-ы межд-й науч. конф.: «Археология Казахстана в эпоху независимости: итоги, перспективы», посвященной 20-летию Независимости Республики Казахстан и 20-летию Института археологии им. А.Х. Маргулана. Т. 3. Алматы, 2011. – Б.11 – 15
13. Бобоёров Ғ. Чоқ тарихидан лавҳалар ... Б. 101-102.
14. Буряков Ю.Ф. Историческая география... – С. 72.
15. al-Istakhri, Abu Ishak Ibrahim al-Farisi. Masalik al-mamalik (Viae regnorum). ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1. Lugduni-Batavorum: E.J. Brill, 1967. – P. 330.
16. Hudud al-‘Alam. The regions of the world. Translated by R.V. Minorsky. London, 1970. – P. 117, 357.
17. al-Moqaddasi, Abu ‘Abdallah Muhammad ibn Ahmad Shamsaddin. Kitab ahsan al-taqasim fi ma’rifat al-aqalim (Descriptio Imperii moslemici), ed. M.J.de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum, 1967. – P. 264; Ibn Haukal, Abu’-l-Kasim an-Nasibi. Kitab sura al-Ard, ed. J.H. Kramers. Leiden, 1939. – P. 507, 522.
18. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 128; Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ

согдийской топонимии. Дисс. кандидата филологических наук. – СПб., 2004. – С. 93.

19. Буряков Ю.Ф. Историческая топография... – С. 75.

20. Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. Тошкент, 1975. – Б. 45; Буряков Ю.Ф. Верификация археологических материалов письменными источниками // Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф., Квирквелия О.Р., Радиловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. Ташкент, 1988. – С. 81.

21. Буряков Ю.Ф. Историческая топография... – С. 75.

22. Moravcsik G. Byzantinoturcica. T. 2. – Berlin 1958. – P. 130-131, 290; Golden P.B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O.Karatay. Ankara, 2002. – S. 103; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967. – С. 158-159.

23. Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. Автореф. док. ист. наук. Ташкент: ИВ АН РУз, 2012. – С. 24.

24. Anatoliy, S., T. Jasur, and A. Utkir. "Socio-economic relations during the bronze age in Central Asia." *Journal of Critical Reviews* 7.9 (2020): 905-907.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИГА КЕЛГАН ХОРИЖЛИК ФОТОГРАФЛАР ФАОЛИЯТИ

Инаятов Ж.Г.

таълим докторанти,

Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика университети

Фотография тасвирий санъат тараққиётида илгари қўйилган бир қадам деб эътироф этилди. Шу боисдан биринчи фотограflарни “ёруғлик тасвирчилари” деб аташган. Фотообразлар фотопластинкага туширилган ҳужжат сифатида қадрланади. Чунки улар замондошларнинг жонли бадий қиёфаси тасвири бўлиб қолади.

Инсон тафаккурининг кудрати билан вужудга келган фотографиянинг Ўрта Осиёга, хусусан, ўзбек диёрига кириб келганига 160 йилдан ошди. Шу давр мобайнида соҳа фаолиятида қатор ўзгаришлар рўй берди. Туркистон ўлкаси фотография ривожини учун кенг майдонга айланади. Унинг ажойиб табиати, жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликлари, маҳаллий аҳолининг ўзига хос турмуш-тарзини кабилар янги санъат тури усталарини қизиқтириб қўйди. Улар бу гўзалликларни томошабинларга етказишга интилишди. Айтиш керак, Туркистон ўлкаси ҳаётига бўлган катта қизиқиш ҳам бу санъатнинг ривожланишига йўл очди.

Россия империяси Туркистонда ўз ҳукумронлигини ўрнатгач, ушбу ҳудудга ўлка ҳаёти, унинг тарихи билан қизиқувчилар кириб кела бошлади. Улар ўзлари гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни турли шаклларда